

Ўзбекистон Республикаси  
Монополияга қарши курашиш  
қўмитасининг 2020 йил  
06 майдаги №370/02-11-сонли  
хатига илова

## **Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА №\_\_\_\_\_**

### **I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигидага 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

#### **1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги

#### **2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши лойиҳаси

#### **3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:**

Ташаббускорлик асосида ишлаб чиқилган.

#### **4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро ва Нуронийлар кўчалари кесишувида жойлашган ‘Газеталар ишлаб чиқариш мажмуаси биноси қисми’ни ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар (“Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” ДУК жойлашган майдон бундан мустасно)ни “Forsa Barsa” масъулияти чекланган жамиятига танловсиз тўғридан-тўғри “нол” қийматда инвестиция киритиш шарти билан хусусийлаштириш тўғрисида.

**II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

**5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “Forsa Barsa” масъулияти чекланган жамияти;**

**давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги;**

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хукуqlари ва уларни амалга**

**ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Фармойиш лойиҳасининг:

**2-бандида** Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мазкур фармойишнинг 1-бандида санаб ўтилган давлат мулки обьектларини инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш шарти билан “Forsa Barsa” масъулияти чекланган жамиятига (кейинги ўринларда – “Forsa Barsa” МЧЖ) “ноль” харид қийматида сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилган.

**3-бандида** “Forsa Barsa” МЧЖга 5 йил муддат ичидан обьектларга камидан 15,0 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиб, уларни тўлиқ реконструкция қилган ҳолда ишга тушириш, обьектлар негизида гастроль-концерт фаолиятини ташкил этиш, обьектларда камидан 150 та янги иш ўринларини яратиш бўйича инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш юкландирилган;

**4-бандида** Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргалиқда бир ой муддатда мазкур фармойишнинг 3-бандида белгиланган шартларда обьектлар бўйича “Forsa Barsa” МЧЖ билан олди-сотди шартномаси тузилиши ҳамда “Forsa Barsa” МЧЖ томонидан қабул қилинган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилиши таъминлаш топширилган.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан:

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий принциплари сифатида:

пулсиз ва пулли хусусийлаштириладиган мулқдан улуш олишда фуқароларнинг ҳукуқлари tengligi;

ошкоралик давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга қўйиш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш белгиланган.

Шунингдек, “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг **12-моддаси талабларига асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимиюти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериши, айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилashi **тақиқланади**.

Шу билан бирга, Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулки обьектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан “нол” харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ давлат мулки обьектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан **танлов асосида “нол” харид қиймати бўйича бериш** назарда тутилган.

Шунга кўра, лойиҳа юқоридаги қонунлар талабларига тўғридан-тўғри зид ҳисобланади.

Ушбуларни инобатга олиб, фармойиш лойиҳасидан инвестор номини чиқариб ташлаш, обьектни оммавий савдоларда яъни **танлов савдолари асосида хусусийлаштириш** шартларини киритилиши лозим.

## V. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу фармойиш лойиҳаси “Рақобат тўғрисида”ги ва “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунлар талабларига мослаштирган ҳолда ва teng рақобат муҳитини яратиш мақсадида обьектни танлов савдолари орқали хусусийлаштириш талаби киритилгандан сўнг қабул қилиниши лозим ҳисобланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНинг ФАРМОЙИШИ

Тошкент шаҳридаги бўш турган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш мақсадида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳамда концерт-томуша соҳасида фаолият юритувчи хусусий тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

### 1. Қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар худудий бошқармасига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро ва Нуронийлар кўчалари кесишуvida жойлашган “Газеталар ишлаб чиқариш мажмуаси биноси қисми”;

Ўзбекистон давлат консерваториясига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10 - уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар (“Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” ДУК жойлашган майдон бундан мустасно) узоқ вақт мобайнида фойдаланилмай келинаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мазкур фармойишнинг 1-бандида санаб ўтилган давлат мулки объектларини инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш шарти билан “Forsa Barsa” масъулияти чекланган жамиятига (кейинги ўринларда – “Forsa Barsa” МЧЖ) “ноль” харид қийматида сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, “Forsa Barsa” МЧЖга қуидаги инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш юкланади:

5 йил муддат ичидаги объектларга камида 15,0 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиб, уларни тўлиқ реконструкция қилган ҳолда ишга тушириш;

объектлар негизида гастроль-концерт фаолиятини ташкил этиш;  
объектларда камида 150 та янги иш ўринларини яратиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда

бир ой муддатда мазкур фармойишнинг З-бандида белгиланган шартларда объектлар бўйича “Forsa Barsa” МЧЖ билан олди-сотди шартномаси тузилишини ҳамда “Forsa Barsa” МЧЖ томонидан қабул қилинган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилиши таъминлансин.

5. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х. Бекенов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артиқходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. Арипов**